

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ИСАЕВ ИСА МАГОМЕД ОГЛЫ

**ASTRAGALUS ТУРКУМИ ЎСИМЛИКЛАРИДАГИ
ЦИКЛОАРТАНЛАРНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛИШЛАРИ ВА КИМЁВИЙ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исаев Иса Магомед оглы

Astragalus туркуми ўсимликларидаги циклоартанларнинг янги тузилишлари ва кимёвий трансформацияси 5

Исаев Иса Магомед оглы

Новые структуры и химическая трансформация циклоартанов растений рода *Astragalus* 21

Isaev Isa Magomed ogly

New structures and chemical transformation of the cycloartanes of genus *Astragalus* plants 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ИСАЕВ ИСА МАГОМЕД ОГЛЫ

**ASTRAGALUS ТУРКУМИ ЎСИМЛИКЛАРИДАГИ
ЦИКЛОАРТАНЛАРНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛИШЛАРИ ВА КИМЁВИЙ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/К80 рақам билан рўйхатга олинган.

Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biohsem.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Агзамова Манзура Адхамовна
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Салимов Баходир Тахирович
кимё фанлари доктори

Бабаев Баҳром Нуриллаевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262 35 40, факс :(99871) 262 70 63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262 35 40, факс (99871) 262 70 63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Салихов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Ш.А. Шомуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д., катта илмий ходим

М.Б. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.,
катта илмий ходим

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида ўсимлик метаболитлари асосида доривор препаратлар яратиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган тадқиқотлар сони ортиши кузатилмоқда. Жумладан, дори воситалари яратиш учун манбаларни аниқлаш фақат янги топилган табиий бирикмалар ажратиш билан чегараланиб қолмай, балки шу табиий бирикмаларнинг фойдалилик хусусиятларини яхшилаш мақсадида модификациялаш усулларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, бу синфнинг айрим вакиллари биологик фаоллигининг кенг спектрлигини ҳисобга олганда циклоартан тритерпеноидлар сезиларли даражада қизиқиш уйғотади.

Ҳозирги кунда дунёда циклоартан тритерпеноидларни тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда, натижада табиий циклоартан тритерпеноид ва гликозидларнинг мингдан ортиқ кимёвий тузилишлари тавсифланган. Бу синф бирикмаларида гипотензив, диуретик, кардиотоник, гиполипидемик, ўсмага, вирусларга, шамоллашга қарши, антибактериал, иммун мувофиқлаштирувчи, нейро-, гепато- ва гастопротектор таъсирлар аниқланган. Кимёвий трансформациялаш ва биотрансформациялаш натижасида аниқ терапевтик таъсирга эга маҳсулотлар олишга қаратилган ишлар амалга оширилган. Циклоартан гликозидларининг захарли хусусиятларининг пастлиги ва кумулятив хоссаларининг йўқлиги, уларнинг терапевтик нуқтаи назардан кенг қўлланилишини таъминлайди. Буларнинг барчаси циклоартанлар ва уларнинг синтетик ҳосилаларини кенг миқёсда қўллаш мумкинлигини изоҳлайди.

Ўзбекистон флорасида циклоартан тритерпеноидлари манбаи сифатида *Astragalus* турига мансуб ўсимликлар хизмат қилади, уларнинг кимёвий таркиби ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш, маҳаллий хом ашёлар асосида дори воситалари яратиш имконини бериб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Стратегиясининг «Фармацевтика саноатини ривожлантириш, шунингдек аҳолини, тиббиёт масканларини арзон, юқори сифатли дори ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш»¹ тўртинчи устивор йўналиш доирасида муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Циклоартанлар асосидаги бундай бирикмалар синтезига нисбатан янги методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу бирикмалар кимёвий трансформациясининг фундамента асосларини яратиш зарурати билан боғлиқ. Циклоартанлар молекулалари таркибидаги уч аъзоли цикл сақланиб қолиши ва унинг кимёвий хоссалари синтетик мақсадларда ишлатилиши лозимлигига кўра бу бирикмаларга ўзига хос ёндашувни талаб этади. Юқоридагилардан циклоартанлар кимёси соҳасида олиб борилаётган изланишларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти яққол кўзга ташланади, циклоартанли метилстероидлар ва гликозидлар асосидаги нозик органик синтез эса табиий бирикмалар кимёсининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ва VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Циклоартанларнинг кимёвий тузилиши, фармакологик фаоллигини аниқлаш борасида дунёнинг ўнлаб мамлакатларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади, бу соҳадаги етакчи бешликка Хитой (Н.К. Wang), Ўзбекистон (М.И. Исаев), Япония (I. Kitagawa, A. Kusano, G. Kusano, M. Shibano), Туркия (E. Bedir, I. Çalış), АҚШ (I.A. Khan) киритилади. Бугунги кунга қадар циклоартан тритерпеноидлари ва уларнинг гликозидлари 90 хилдан ортиқ туркумга кирувчи ўсимликлардан ажратиб олинган. *Astragalus* туркумидаги 93 турдаги ўсимликлардан 236 та циклоартанлар қаторига мансуб гликозидлар ажратиб олинган. Бу ўсимликларда эркин ҳамда гликозилланган шаклда учрайдиган генин характерли 53 та структуравий birlik изоҳлаб берилган. Шунингдек, *Astragalus* туркумидаги ўсимликлар экстрактлари ва улардан ажратиб олинган индивидуал моддаларнинг биологик фаоллиги ўрганилмоқда. Бир қатор циклоартанларнинг трансформациясига мисоллар берилган, бироқ ушбу табиий бирикмалар синфига нисбатан йўналтирилган кимёвий трансформация деярли ишлаб чиқилмаган.

Республикада циклоартанлар кимёси проф. М.И. Исаев ишларида батафсил ёритиб берилган, у тизимли изланишлари натижасида таркибида циклоартан тритерпеноидлари ва гликозидлар сақловчи 20 дан ортиқ *Astragalus* турларини аниқланган. Бу ўсимликлардан 160 дан ортиқ бирикмалар ажратиб олинган бўлиб, улардан 76 таси янги тузилишдан моддалардир. Ушбу изланишлар натижасида *Astragalus* туркумига мансуб ўсимликлар циклоартанларини ўрганилганлик даражаси бўйича Ўзбекистон дунё микёсида етакчи ўринни эгаллади, циклоартанлар кимёсига оид нашр этилган илмий ишлар сони бўйича эса, фақатгина ХХР га гина ён беради.

Шунингдек, бундан ташқари ажратиб олинган гликозидлар юқори гипохолестеринемик, кардиотоник, седатив, диуретик фаолликка эга бўлиб, улар орасида антибластом таъсирга эга моддалар ва интерферон индукторлари аниқланган. Улардан бири - циклосиверсиозид F – асосида кардиопротекторли препарат ишлаб чиқилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот режасининг ФА-ФЗ-Т-044 «Маҳаллий флора ўсимликлари ва микроорганизмлари изопреноидлари: тузилиши, кимёвий трансформацияси, биологик фаоллиги» (2007–2011) давлат фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Astragalus macropus* Bunge ва *Astragalus taschkenticus* Bunge ўсимликларидан ажратиб олинган циклоартанли тритерпеноидлар ва гликозидларни тавсифлаш ҳамда циклоартанлар хусусиятларини аниқлаш ва кимёвий трансформацияси усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Astragalus macropus ўсимлигидан циклоартан тритерпеноидлари ва

гликозидларини ажратиб олиш;

Astragalus taschkendicus ўсимлигидан янги циклоартан гликозидларини ажратиб олиш;

ажратиб олинган моддаларнинг тузилишларини аниқлаш;

циклоартан тритерпеноидлари ва гликозидлари – циклосиверсигенин, циклоорбикозид А, циклоалпигенин D ва циклоалпиозид D асосида синтезларни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Astragalus macropus* ва *Astragalus taschkendicus* ўсимликлари, циклосиверсигенин, циклоорбикозид А, циклоалпигенин D ва циклоалпиозид D олинган.

Тадқиқотнинг предмети *Astragalus macropus* ва *Astragalus taschkendicus* ўсимликлари циклоартан тритерпеноидлари ва гликозидларининг кимёвий тузилиши, циклоартанлар асосида синтезлар, олинган синтетик ҳосилаларнинг тузилиши ва биологик хоссалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажарашда экстракция, моддаларни колонкали, юпқа қатламли ва қоғоз хроматографияли ажратиб олиш ва тозалаш усуллари, бирикмалар тузилишини аниқлашнинг кимёвий (кислотали ва ферментатив гидролиз), спектрал (^1H , ^{13}C ЯМР, ИҚ-, масс-спектроскопия, икки ўлчамли ЯМР-спектроскопия (COSY, TOCSY, ROESY, HMQC, HMBC) усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Astragalus macropus ўсимлигидан 7 та янги бирикма, *Astragalus taschkendicus* дан эса 2 та янги гликозид ажратиб олинган ва тузилишлари исботланган;

циклосиверсигениннинг циклоартанли метилстероидлар – циклоадсургенин ва циклоасалгенин билан структураларининг кимёвий корреляцияси ўтказилган, илк маротаба С-17 ҳолат бўйича циклоартаннинг таркибий конфигурацияси ўзгариши – эпимеризацияси механизми ёритиб берилган ва тасдиқланган, циклосиверсигенин лактони синтези амалга оширилган;

циклоорбикозид А, циклоалпигенин D ва циклоалпиозид D лар асосида 18 та янги синтетик ҳосилалар олинган;

циклоартанларнинг 9,19-уч аъзоли циклни аниқлашга янги ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Astragalus macropus ўсимлиги циклоартан бирикмаларининг, шунингдек, *Astragalus taschkendicus* янги гликозидларининг тузилиши аниқланиб, ушбу ўсимликлардан 12 та бирикма ажратиб олинган, улардан 9 та янги табиий бирикмалар – цикломакрогенин В, секомакрогенин В, цикломакрозид А, В, С, D, Е, аскендозид Н, К ларнинг тузилишлари аниқланган;

синтонлар ва биологик фаол моддалар сифатида қизиқиш уйғотадиган ҳосилаларни олиш имконини берадиган циклоартанли бирикмаларни қатор трансформация қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқилган. Фармакологик изланишлар натижаларига кўра, синтез қилинган циклоорбикозид А нинг 7-моноацетати ва унинг 25, 26-дегидрати кардиопротекторли таъсирга эга бўлиб, бу каби таъсирни кардиопротектор циклосиверсиозид F да кузатиш мумкин. Бу моддаларни синтез қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган;

дастлабки *in vitro* текширувларида циклоорбикозид А 25,26-дегидра-

тининг 7-моноацетат бирикмалари, циклоорбикозид А 25,26-дегидрати ва 19(10→9)-*abeo*-ланостадиен бирикмалари РЗХ ва HeLa саратон хужайраларига нисбатан кучли цитотоксик таъсир аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ^1H , ^{13}C ЯМР, ИК-, масс-спектроскопия каби замонавий физик-кимёвий анализ усуллари ёрдамида исботланди.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, *Astragalus macropus* ва *Astragalus taschkendicus* ўсимликларидан ажратиб олинган циклоартан бирикмаларини ўрганиш давомида олинган натижалар табиий бирикмалар кимёсини ўсимликларнинг фитокимёвий таркиби ҳақидаги маълумотлар билан бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган кимёвий трансформация усуллари мазкур бирикмалардан ҳосила олиш имкони бор ва биологик тадқиқот натижалари истиқболда кардиопротектор воситалар сифатида ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, олинган синтетик ҳосилалар циклоартанлар асосидаги нозик органик синтез соҳасида тадқиқотлар олиб бориш учун янги имкониятлар яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Astragalus* икки тур циклоартанлари ва ушбу синф бирикмаларнинг кимёвий трансформацияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ажратилган бирикмаларнинг ЯМР-спектрал маълумотлари табиий бирикмаларни идентификациялаш учун фойдаланилган, улар хориждаги импакт фактори юқори илмий нашрларда ўз аксини топган (*Rec. Nat. Prod.* 12:1 (2017) 95–100, IF – 1.38 (Scopus); *Magnetic Resonance in Chemistry*, 2016, 54 (12). 991–994, IF – 1.23 (Scopus); *Pharmaceutical biology*, 2016, 54 (12) 3026–3032, IF – 1.88 (Scopus)). Натижада ўсимликлардан ажратиб олинган маълум циклоартан компонентларини аниқлаш имконини берган;

циклоартанлар бўйича олинган спектроскопик маълумотлар янги табиий циклоартанлар тузилишини исботлашда фойдаланилган, улар хориждаги импакт фактори юқори илмий нашрларда ўз аксини топган (*J. Nat. Prod.* 2016, 79, 2824–2837, IF – 3.41 (Scopus); *Phytochemistry Letters* 7 (2014): 52-56, IF – 1.53 (Scopus); *Carbohydrate Research* 385 (2014) 65–71, IF – 2.01 (Scopus); *Chem. Pharm. Bull.* 60(5) 571–577 (2012), IF – 1.65 (Scopus); *J. Nat. Prod.* 2012, 75, 599–604, IF – 3.23 (Scopus); *Planta Med* 2012; 78: 59–64, IF – 2.35 (Scopus); *Chem. Pharm. Bull.* 58(5) 729–733 (2010), IF – 1.54 (ResearchGate)). Натижада янги табиий циклоартанларни тавсифлаш имконини берган;

циклоартанларнинг кимёвий тузилишини исботлаш бўйича хулосалар табиий бирикмаларнинг кимёвий трансформацияси ва биотрансформацияси ҳосилалари тузилишини аниқлашда фойдаланилган, улар хориждаги импакт фактори юқори илмий нашрларда ўз аксини топган (*Adv. Synth. Catal.* 2015, 357, 1928 – 1940, IF – 6.07 (Scopus); *Tetrahedron Letters* 53 (2012) 5864–5867, IF – 2.45 (Scopus); *Adv. Synth. Catal.* 2012, 354, 527 – 539, IF – 5.33 (Scopus)). Натижада янги синтетик циклоартанларнинг ҳосилалари тузилишини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 5 та халқаро ва 1 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 14 та мақола Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан фалсафа фанлари (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертациянинг асосий натижалари чоп этилиши тавсия этилган халқаро журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация иши 120 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг аҳамияти ва долзарблиги асосланган, мақсадвавазифалари, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асосланган, диссертация натижаларининг амалий ва назарий аҳамияти очиқ берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилишига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Циклоартан тритерпеноид ва гликозидлар кимёси**» деб номланган биринчи бобида *Astragalus* туркумига мансуб ўсимликлар циклоартанлари тўғрисида умумий маълумотлар, уларнинг синфланиши баён этилган. Ушбу бобнинг иккинчи бўлими циклоартанларни ажратиш олишга, учинчиси - структуравий таҳлилга, тўртинчиси – циклоартанларнинг кимёвий трансформациясига бағишланган. Бешинчи бўлимда циклоартан тритерпеноидлари ва гликозидларининг биологик фаоллиги ҳақида маълумотлар келтирилган.


«***Astragalus macropus* ва *Astragalus taschkendicus* циклоартан метилстероидлар ва уларнинг гликозидлар**» деб номланган иккинчи бобнинг биринчи бўлими *Astragalus macropus* Bunge циклоартан тритерпеноидлари ва гликозидларига бағишланган. *Astragalus macropus* илдизининг метанолли экстрактида тритерпеноидли ва стероидли табиатга эга бўлган 10 та бирикма топилган, улардан 3 таси β-ситостерин, β-ситостериннинг β-D-глюкопиранозиди ва D-3-O-метил-хиро-инозитол билан идентификация қилинган. Қолган бирикмалар эса циклоартан қаторининг тритерпеноидларига тегишли эканлиги аниқланган.

Цикломакрогенин В (1), C₃₀H₅₂O₅. Бирикма **1** нинг ¹H ва ¹³C ЯМР спектрлари таҳлили ўрганилаётган бирикма циклоартан қаторининг тритерпеноидларига тегишлилигини, ҳамда унинг таркибида қўшбоғлар ва карбонил гуруҳлар йўқлигини кўрсатди.

DEPT спектри янги генин **1** ни углерод атомлари сигналларини тақсимлаш ва кислородли функциялар билан боғланган 4 та углерод атомлари борлиги ҳақида хулоса қилиш имконини берди, бу углерод атомларидан бири C-25 дир.

Генин **1** ни периодат оксидланиши, сўнг натрий боргидрид билан қайтарилиш натижасида норҳосила **2** ни берди, бу эса генин **1** молекуласида C-24-C-25да α-диол гуруҳланиш мавжудлигини тасдиқлайди.

H-8, H-7 ва C-7 атомларининг ¹H ва ¹³C ЯМР спектрлардаги сигналларини таҳлили C-7 даги иккиламчи гидроксил



гуруҳларнинг биттаси β -экваториал ориентацияда жойлашганлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини берди.


^1H - ^1H COSY ва HSQC спектрлари маълумотларига таянган ҳолда цикломакрогенин В молекуласининг полициклик қисми таркибида $1\alpha,3\beta,7\beta$ -гидроксил гуруҳларига эгалиги аниқланди.

C-24 атомининг R-конфигурацияси ҳақидаги хулоса, унинг C-24R атоми ва 24, 25-диол системага эга циклоартанлар сигналлари билан солиштириш асосида чиқарилди.

Шундай қилиб, цикломакрогенин В моддаси 24R-циклоартан $1\alpha,3\beta,7\beta$ -24-25-пентаол тузилишга эга эканлиги исботланди

Норҳосила **2** нинг ^{13}C ЯМР спектрларида 27 углерод атомларининг сигналлари кузатилди. Углероднинг бирламчи карбинол атоми сигнали эса C-24 га тегишли, бу эса **2** норҳосилани 25-норциклоартан- $1\alpha,3\beta,7\beta$ -24-тетраол тузилишига эгалигини билдирди.

Секомакрогенин В (3), $\text{C}_{30}\text{H}_{50}\text{O}_4$. ^1H ва ^{13}C ЯМР, мусбат ва манфий ионлар электроспрейининг масс-спектрлари маълумотларига таянган ҳолда, **3**-бирикма тритерпеноид табиатли эканлиги ва иккита қўшбоғ тутиши, молекулада 9,10-боғнинг кузатилмаганлиги сабабли, унинг таркибида циклопропан халқанинг йўқлиги, яъни тритерпеноид **3** ни 9,10-секоциклоартан эканлиги аниқланди.



2 расм. Секомакрогенин В

^1H ЯМР спектр маълумотларини НМВС спектрлари билан таққослаш натижасида C-1-C-10 ва C-9-C-11 даги қўшбоғларнинг жойлашуви аниқланди.


^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларидаги сигналларнинг характери, C-7 ва C-25 да гидроксил гуруҳларнинг жойлашуви тўғрисида хулоса қилиш имконини беради.

НМВС спектрдаги метил гуруҳлар (CH_3 -29 ва CH_3 -30; CH_3 -26 ва CH_3 -27) карбинолдаги углерод атоми билан кросс пикларга эга, демак қолган иккиламчи гидроксил гуруҳлар C-3 ва C-24да жойлашган.

C-24 нинг кимёвий силжиш кўрсаткичи ушбу асимметрик углерод атомининг R-конфигурациясини белгилайди, яъни секомакрогенин В ни 24R-9,10-секоциклоарта-1(10),9(11)-диен- $3\beta,7\beta,24,25$ -тетраол тузилишига эгалигини кўрсатади.

Цикломакрозид А (4), $\text{C}_{39}\text{H}_{66}\text{O}_9$. Янги гликозид **4** нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини ўрганиш, уни циклоартан тритерпеноидлари каторига киришини кўрсатади.

Гликозид **4** нинг кислотали гидролиз ҳосилаларининг углеводли қисмида қоғоз хроматографияси (ҚХ) усулида стандарт намуналар иштирокида



3 расм. Цикломакрозид А ва 24,25-ацетонидлар

L-рамноза аниқланди.

Ўрганилаётган гликозиднинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари эса L-рамнозанинг битта қолдиғи борлигини кўрсатди.

^1H ЯМР спектрида 10 та метил гуруҳи сигналлари кузатилиб, уларнинг бири L-рамноза қолдиғига, қолган


7 таси эса генинга оидлиги аниқланди. Қолган 2 та метил гуруҳи эса, ^{13}C ЯМР ҳамда НМВС спектр маълумотларига кўра С-24-С-25да жойлашган изопропилендиокси гуруҳига тегишли.

^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари маълумотлари таҳлили, генин **4**да учта ($1\alpha, 3\beta, 7\beta$) гидроксил гуруҳи борлиги, С-3 сигналининг кучсиз майдон томон силжиши, ҳамда L-рамноза аномер протони ва НМВС спектридаги С-3-генин атоми орасидаги корреляцион пик (чўкки) ушбу углерод атомининг гликозилланганини кўрсатди.

С-24 стереокимёси борасидаги масалалар биогенетик тушунчалардан келиб чиқиб, ҳамда гликозид **4**, 24-25-ацетонидлар **5,6** ва **7**ларнинг ^{13}C ЯМР спектрларини қиёсий таҳлили ёрдамида ечилди, яъни С-24 гликозид **4** ни R-конфигурацияга эга эканлигини ва бирикма 3-O- α -L-рамнопиранозид-24,25-изопропилдендиокси-24R-циклоартан-1 $\alpha, 3\beta, 7\beta$ -триол эканлигини кўрсатди.

Цикломакрозид С (**8**), $\text{C}_{36}\text{H}_{62}\text{O}_9$. **8**-бирикманинг ^1H ЯМР спектр маълумотлари уни циклоартан тритерпеноидлари қаторига мансублигини билдирди. Шунингдек, ушбу бирикма ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларида битта моносахарид қолдиқ – α -L-рамнопираноза сигналлари мавжуд.

Цикломакрозид С ва цикломакрогенин В (**1**) нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини таққослаш натижасида, цикломакрогенин В (**1**) гликозид **8** нинг генини эканлигини кўрсатди.



4 расм. Цикломакрозид С ва цикломакрогенин В


α -L-рамнозанинг С-3 атомига бирикиши **8** гликозиднинг ^{13}C ЯМР спектрида кузатиладиган гликозилрлаш эффекти ва НМВС спектрдаги аномер углерод атоми билан Н-3 корреляцион пики асосида аниқланди.

Цикломакрозид D (**9**), $\text{C}_{41}\text{H}_{70}\text{O}_{13}$. Янги гликозид **9** нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари ўрганилаётган гликозидни циклоартан тритерпеноидлари қаторига киритиш имконини берди.

Янги гликозид **9** ва генин **1** нинг ^{13}C ЯМР спектр кўрсаткичларини солиштириш, цикломакрозид D цикломакрогенин В нинг ҳосиласи эканлигини кўрсатди.

Цикломакрозид D ни кислотали гидролизлаш, сўнг гидролизатнинг углеводли қисмини қоғоз хроматографияси усулида таҳлил қилиш натижасида D-ксилоза ва L-рамноза (^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларига кўра) 1:1 нисбатда бўлиши аниқланди.

Цикломакрозид D ни узум шиллиққуртининг (*Helix pomatia*) ошқозон шираси билан ферментатив гидролиз қилинганда прогенин ҳосил бўлди ва у цикломакрозид С (**8**) билан идентификация қилинди. С-3, С-24 атомларини гликозилрлаш эффекти ва НМВС спектри маълумотлари билан бирга L-рамнозани генинга С-3 бўйича, D-ксилозани эса С-24 ҳолат бўйича



5 расм. Цикломакрозид D нинг ферментатив гидролизи


бирикишини кўрсатди.

Шундай қилиб, цикломакрозид D бирикмаси 3-O- α -L-рамнопиранозид-24-O- β -D-ксилопиранозид-24R-циклоартан-1 α ,3 β ,7 β ,24,25-пентанол тузилишга эга эканлиги исботланди.

Цикломакрозид В (**10**), C₄₅H₇₄O₁₅. Гликозид **10** нинг ¹H ва ¹³C ЯМР спектрлари уни циклоартан қатори тритерпеноидларига тааллуқли эканлигидан далолат беради. Шунингдек, цикломакрозид В таркибида α -L-рамнопиранозил ва β -D-ксилопиранозил қолдиқлари борлигини кўрсатади.

ЯМР спектрларининг қиёсий таҳлили, цикломакрозид В ни цикломакрогенин В нинг гликозиди эканлигини кўрсатди. Унда С-3 ва С-24 атомлари гликозилланган бўлиб, НМВС спектрлари эса 6-дезоксигексоза ва пентозанинг С-3 ва С-24 да ўзаро мувофиқ жойлашганини кўрсатди.

Гликозид **10** нинг ¹H ва ¹³C ЯМР спектрларида 2 та ацетил гуруҳ сигналлари қайд этилди. Гликозид **10** ни ишқор билан гидролиз қилинганда D-цикломакрозид (**9**) ҳосил бўлади, бу эса локаллашув, оксид халқа ўлчами, моносахарид қолдиқларининг конфигурацияси ва конформацияси ҳақидаги хулосани тасдиқлайди.



6 расм. Цикломакрозид D нинг ишқор гидролизи

С-25, СН₃-26 ва СН₃-27 сигналлари характери, учламчи гидроксил гуруҳ бўшлиги, шунингдек, цикломакрозид В молекуласида С-1 ва С-7даги иккиламчи гидроксил гуруҳлар ацетилланганини кўрсатади.


Бу хулоса цикломакрозид В ни ¹H ва ¹³C ЯМР спектрларида цикломакрозид D спектрларидан фарқли ўлароқ, Н-1, Н-7, С-1, С-7 сигналларнинг кучсиз майдон томон силжиши билан тасдиқланди.

Демак, янги гликозид цикломакрозид В бирикмаси 1,7-ди-О-ацетил, 3-О- α -L-рамнопиранозид, 24-О- β -D-ксилопиранозид-24R-циклоартан-1 α ,3 β ,7 β ,24,25-пентаол тузилишга эга.

Цикломакрозид Е (**11**), C₄₆H₇₈O₁₇. Янги **11**-бирикманинг ¹H ЯМР спектри ушбу бирикма циклоартан тритерпеноидлари қаторига мансублиги ва гликозидли табиатга эга эканлигини кўрсатди.

Гликозид **11** ни кислотали гидролизатининг углеводли қисмида қоғоз хроматографияси усулида D-ксилоза ва L-рамноза борлиги аниқланди.

¹H ва ¹³C ЯМР спектрларини батафсил ўрганиш, цикломакрозид Е ўз таркибида генин сифатида С-3 ва С-24 бўйича гликозилланган цикломакрогенин В (**1**) ва



7 расм. Цикломакрозид Е нинг ферментатив гидролизи

2:1 нисбатда D-ксилоза ва L-рамноза туташини кўрсатди.

Цикломакрозид E узум шилликқуртининг (*Helix pomatia*) ошқозон шираси комплекс ферменти ёрдамида гидролизланди.

Ферментолиз натижасида цикломакрогенин B (1) ва иккита прогенин - цикломакрозид C (8) ва D (9)лар ажратиб олиниб, бундан эса L-рамноза ва битта D-ксилоза генинга C-3 ва C-24 бўйича бирикканлиги тўғрисида хулоса қилинди.

Цикломакрозид D ва E ларнинг ^{13}C ЯМР спектрларини таққосий таҳлили, терминал D-ксилозани C-2 да ва D-ксилозани эса C-24да жойлашганини кўрсатди.


Диссертациянинг иккинчи бобнинг иккинчи бўлими *Astragalus taschkendlicus* циклоартан гликозидларига бағишланган.

1.2. *Astragalus taschkendlicus* циклоартанли гликозидлари

Аскендозид Н (12), $\text{C}_{46}\text{H}_{78}\text{O}_{19}$. Аскендозид Н ^1H ЯМР спектрларига кўра циклоартан тритерпеноидлари қаторига кириши маълум бўлди.

Гликозид 12 ни кислотали гидролиз қилиб гидролизатнинг углеводли қисмини қоғоз хроматографияси ёрдамида таҳлил қилиш натижасида D-ксилоза, D-глюкоза ва L-арабиноза ^{13}C ЯМР спектрларига кўра 1:1:1 нисбатда эканлиги аниқланди.

Кислотали гидролиз ҳосилаларнинг генинли қисмидан циклоорбигенин C (13) билан идентификация қилинган генин ажратиб олинди.




8 расм. Аскендозид Н нинг кислотали гидролиз

Циклоорбигенин C ва аскендозид Н ларнинг ^{13}C ЯМР спектрларини қиёсий таҳлиliga кўра, аскендозид Н молекуласида гликозилланиш эффектини генин қисмининг C-3 ва C-23 атомлари шунингдек, D-ксилозанинг C-2 қолдиғи сезади. Оверхаузер (ЯЭО) ядро эффектини ўлчаш бўйича турли хилдаги тажрибаларда D-глюкоза қолдиғини C-23да локаллашуви аниқланди ва D-ксилозани C-3 га бирикиши тўғрисидаги хулосани тасдиқлади. Шундай қилиб, янги тритерпеноидли гликозид аскендозид Н моддаси 3-O-[(α -L-арабинопиранозил) (1→2)- β -D-ксилопиранозид], 23-O- β -D-глюкопиранозид-23R,24R-циклоартан-3 β ,6 α ,16 β ,23,24,25-гексаол эканлиги исботланди.

Аскендозид К (14), $\text{C}_{12}\text{H}_{86}\text{O}_{25}$. Гликозид 14 ни ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини ўрганиш, у циклоартан қатори тритерпеноидларига оидлигини кўрсатди. Ўрганилаётган гликозиднинг кислотали гидролизи циклоорбигенин C (13) билан идентификация қилинган генин олишга олиб келди. Кислотали гидролиз ҳосилаларининг углеводли қисмини қоғоз хроматографияси натижалари гликозид таркибида D-ксилоза, D-глюкоза, D-глюкурон кислота ва L-арабиноза мавжудлигини кўрсатди, ЯМР ^{13}C спектрлари маълумотига кўра улар 1:1:1:1 нисбатда бўлади.

Аскендозид К нинг босқичли кислотали гидролизи циклоорбигенин C ва прогенин 15-17 ларни олишни таъминлайди. Прогенин 15 нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларига кўра, у циклоорбигенин D га ўхшаш. Аскендозид К, циклоорбигенин C ва прогенин 15-17 ларнинг ^{13}C ЯМР спектрларини қиёсий таҳлиliga кўра, аскендозид К гликозирлаш маркази C-3 ва C-23 бўлган бисдесмозидли гликозид

эканлиги аниқланди. Прогенин сифатида циклоорбикозид D ни ҳосил бўлиши, C-3 да D-ксилоза қолдиғининг жойлашишини кўрсатди ва бу билан C-3 ни гликозилирлаш марказидан бири эканини тасдиқлади. D – ксилозанинг C-3 да жойлашуви ЯЭОни ўлчаш бўйича олиб борилган тажрибалар билан тасдиқланган.



9 расм. Аскендозид К нинг кислотали ва ферментатив гидролизи

Аскендозид К ва циклоорбикозид D ¹³C ЯМР спектрларини солиштириш, аскендозид К молекуласидаги D – ксилоза қолдиғи гликозилирланганини кўрсатди. Прогенин 16 таркибида D-глюкоза ва D-глюкурон кислота мавжуд, яъни, L-арабиноза D-ксилозанинг C-2 қолдиғида жойлашган, бу ЯЭОни ўлчаш тажрибалари билан тасдиқланган.

C-23даги углеводли занжир структурасини аниқлаш учун ЯЭО ўлчаш бўйича тажрибалар ўтказилди. Бу эса ўз навбатида D-глюкозанинг қолдиғи C-23га бевосита боғланганини, D-глюкурон кислота қолдиғи эса терминал моносахарид эканини кўрсатди. Бу хулоса ва C-3 даги углеводли занжирнинг тузилиши аскендозид К ни ферментатив гидролизи натижасида аскендозид Н (12) нинг олинишини тасдиқлайди.

D-глюкурон кислотанинг боғланиш жойи аскендозид Н ва К ларнинг ¹³C ЯМР спектрларини қиёсий таҳлилидан келиб чиқади: D-глюкурон кислота D-глюкозага C-2 орқали боғланган. Бу эса D-глюкурон кислотаси қолдиғининг аномер протонини нурлантириш вақтида олинган аскендозид К нинг ¹H ЯМР фарқли


спектрларида ўз тасдиғини топади.

Аскендозид К ни 3-O-[(α -L-арабинопиранозил)(1 \rightarrow 2)- β -D-ксилопиранозид], 23-O-[(β -D-глюкуронопиранозил)(1 \rightarrow 2) β -D-глюкопиранозид-23R,24R-циклоартан-3 β ,6 α ,16 β ,23,24,25-гексаол эканлиги исботланди.

Диссертациянинг «Циклоартанларнинг кимёвий трансформацияси» деб номланган учинчи боби циклоартанларнинг асосида кимёвий синтезларга бағишланган .

2.1.1. Циклоадсургеннинг қисман синтези.

Циклосиверсигенин **18** дан келиб чиққан ҳолда *Astragalus adsurgens* дан ажратилган табиий циклоартан тритерпеноид – циклосиверсигениннинг 3,16-дикето ҳосиласи бўлган – циклоадсургенин **25** – қисман синтез қилинди. Ушбу тритерпеноидлар структураларининг кимёвий корреляцияси амалга оширилди. Циклосиверсигенин **18** ни пиридинда сирка ангидрид билан ацетилланиб, хона ҳароратида KHSO_3 нинг метанолли эритмасида совунланганда 3,6-циклосиверсигенин диацетат (**19**) олинди. Реакция ҳосилалари орасида **20** ва **21**- моддалар билан бир қаторда оз миқдорда циклосиверсигенин ажратиб олинди. ИК-, масс-, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектр маълумотлари **20** ва **21** ҳосилаларни ўз навбатида 3 ва 6- циклосиверсигениннинг моноацетатлари эканини кўрсатди.



10 расм. Циклоадсургеннинг қисман синтези

Моноацетат **22** нинг ишқорий гидролизи натижасида **25-27** ҳосилалар ҳосил бўлди. Бирикма **25** нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари, ИК- ва масс спектрлари маълумотлари уни циклоадсургенин эканини аниқлади. Ҳосила **27** нинг ^{13}C ЯМР спектридан маълум бўлишига, ҳосила **27** даги қўш боғ С-17-С-20 да жойлашган ва тетрагидрофуранли халқа очилган.

26 ва **27** кетонларнинг ^1H ЯМР спектрлари, бу бирикмалар С-20 атомидаги ўринбосарларнинг конфигурациялари билан фарқ қиладиган геометрик изомерлар эканини кўрсатди.

Кетон **26** нинг тузилиши 17E,24S-циклоарт-17-ен-6 α ,24,25-триол-3,16-дион, кетон **27** эса 17Z,24S-циклоарт-17-ен-6 α ,24,25-триол-3,16-диондан сифатида тасдиқланди.

2.1.2. Циклоасалгениннинг қисман синтези.

Туркияда *Astragalus zahlbruckneri* дан ажратиб олинган ва номсиз таърифланган (кулайлик учун циклоасалгенин деб аталган) циклоасалгенин (**30**) қисман синтези амалга оширилди. Кимёвий тузилишига кўра, циклоасалгенин циклосиверсигениннинг 16-кетохосиласидир, шунга кўра циклоасалгенин циклосиверсигенин **18** дан фойдаланган ҳолда синтез қилинди.

Циклосиверсигенин пиридинда сирка ангидриди билан ацетилланди ва реакция ҳосиласидан циклосиверсигениннинг 3,6-диацетат (19), 6-моноацетат (21) ва 3-моноацетат (20) лари ажратиб олинган. С-16 да кетофункция ҳосил қилиш учун диацетат 19 Джонс бўйича оксидлантирилиб, кетон 28 олинган.

Диацетат кетон 28 ни ҳимоя гуруҳларини олиб ташлаш учун ишқор билан гидролизланди. Гидролиз ҳосиласидан 29 ва 30 кетонлар ажратиб олинди. Кетон 29 нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари натижалари уни циклоасалгенин билан идентификациялаш имконини берди.


^{13}C ЯМР спектрлари маълумотларига кўра С-17 атоми 29 ва 30 кетонларда қарама-қарши конфигурацияларга эга эканлигини тахмин қилиш мумкин. Ўз навбатида С-17 атоми конфигурациясининг ўзгариши ишқорий гидролиз босқичида кето-енолли таутомерия механизми бўйича кетиш эҳтимоли мавжуд. Юқоридагилардан хулоса шуки, кетон 30 циклоасалгениннинг 17-эпимери ҳисобланади ва 20R,24S-эпокси-17-эпи-циклоартан-3 β ,6 α ,25-триол-16-он тузилишига эга

Циклоартанли тритерпеноидлар кимёсида С-17 бўйича эпимерланиш илк бора кузатилди, шу сабабдан бошқа 16-кетоциклоартан – циклоадсургенин (25) ни эпимерлаш амалга оширилди. Циклоадсургенинга натрий гидроксиднинг метанолли эритмаси асосида 30 ҳосила билан бир хил шароитда ишлов берилганда, ҳосила 31 ҳосил бўлади. Ҳосила 30 ва 31 нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатдики, кетон 31 20R,24S-эпокси-17-эпи-циклоартан-6 α ,25-диол-3,16-дион, яъни 17-эпи-циклоадсургениндир.

2.1.3. Циклосиверсигенин лактони синтези.

γ -Лактон ён занжирининг ҳосил бўлиши, бошланғич гликозидга нисбатан циклосиверсиозид F лактонининг мусбат – инотропли таъсири ошганини кўрсатади. Шу муносабат билан циклосиверсигениннинг уч босқичда синтезланган лактони ўзига хос қизиқиш уйғотади.

Циклосиверсигенин (18) пиридинда сирка ангидриди билан ацетилланди. Реакция ҳосилаларини колонкали хроматография йўли билан ажратиш орқали аввал таърифланган циклосиверсигенинни тетра-(32), три-(33), ди-(19) ацетатлари олиниб, улар



11 расм. Циклоасалгениннинг қисман синтези


11 расм. Циклоасалгениннинг қисман синтези

Циклоартанли тритерпеноидлар кимёсида С-17 бўйича эпимерланиш илк бора кузатилди, шу сабабдан бошқа 16-кетоциклоартан – циклоадсургенин (25) ни эпимерлаш амалга оширилди. Циклоадсургенинга натрий гидроксиднинг метанолли эритмаси асосида 30 ҳосила билан бир хил шароитда ишлов берилганда, ҳосила 31 ҳосил бўлади. Ҳосила 30 ва 31 нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатдики, кетон 31 20R,24S-эпокси-17-эпи-циклоартан-6 α ,25-диол-3,16-дион, яъни 17-эпи-циклоадсургениндир.

2.1.3. Циклосиверсигенин лактони синтези.

γ -Лактон ён занжирининг ҳосил бўлиши, бошланғич гликозидга нисбатан циклосиверсиозид F лактонининг мусбат – инотропли таъсири ошганини кўрсатади. Шу муносабат билан циклосиверсигениннинг уч босқичда синтезланган лактони ўзига хос қизиқиш уйғотади.

Циклосиверсигенин (18) пиридинда сирка ангидриди билан ацетилланди. Реакция ҳосилаларини колонкали хроматография йўли билан ажратиш орқали аввал таърифланган циклосиверсигенинни тетра-(32), три-(33), ди-(19) ацетатлари олиниб, улар



12 расм. Циклосиверсигенин лактони синтези

маълум намуналар билан бевосита таққослаш орқали аниқланди. Ён занжирда лактонли ҳалқа ҳосил қилиш учун циклосиверсигенин триацетати (**33**) Джонс реактиви билан оксидланди. Оксидланиш ҳосиласи **34** циклосиверсигенин лактонининг 3,6,16-триацетати эканлиги ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларига кўра тасдиқланди. Шундай қилиб, уч босқичда циклосиверсигенин лактони - 20R-25-норциклоартан-3 β ,6 α ,16 β -триол-20,24-олид синтез қилинди.

2.2 Циклоорбикозид *A* асосидаги синтезлар

Циклоорбикозид **A** (**38**) таркибига кўра *Astragalus orbiculatus* ўсимлигининг энг асосий гликозиди бўлиб, интерферониндуцирловчи таъсирга эга. Циклоорбикозид **A** нинг генин қисмини, углеводли қисми сақлаб қолинган ҳолда кимёвий модификациялаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилди. Бунинг учун тегишли равишда ҳимояланган синтонлар синтез қилинди. Иккиламчи гидроксил гуруҳларни ҳимоялаш учун улар ацетилланди.

Циклоорбикозид **A** ни пиридинда сирка ангидрид билан ацетиллаш натижасида **39-42** ацетатлар аралашмаси ҳосил бўлди ва улар хроматография колонкасида ажратиб олинди.

Ҳосила **39** нинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари натижаларига кўра, бу ҳосила циклоорбикозид **A** тетраацетати эканлигини кўрсатди. Тетраацетат **39** циклоорбикозид **A** нинг кимёвий трансформацияси жараёнларида асосий бирикма бўлгани учун, уни олишнинг мақбул усули ишлаб чиқилди ва бу бошланғич гликозид **38** ни миқдоран тетраацетат **39**га ўтказиш имконини берди.

^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари маълумотлари **40** ни циклоорбикозид **A** нинг 3',4',7-триацетати, ҳосила **41** ни циклоорбикозид **A** 2',3',4'-триацетати сифатида, ҳосила **42** эса циклоорбикозид **A** 3',4'-диацетати эканлигини кўрсатди.


Циклоорбикозид **A** нинг C-7 да кетофункциясини ҳосил қилиш учун ацетат **41** Джонс бўйича оксидланди ва **43** нинг тузилиши кетоҳосила олинди. Спектрал натижаларига кўра ҳосила **43** 3-O- β -D-(2',3',4'-три-O-ацетил)-ксилопиранозид-(23R,24S)-16 β ,23;16 α ,24-диэпоксициклоартан-3 β ,25-диол-7-он эканини кўрсатди.

Ҳосила **43** нинг ишқорий гидролизи натижасида кетогликозид **45** ҳосил бўлади. Бу модданинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларида ацетил гуруҳларининг сигналлари йўқлиги, яъни ҳосила **45** – 7-дегидроциклоорбикозид **A** эканини кўрсатди.

Тетраацетат **39** ни қисман ишқорий гидролизланиши циклоорбикозид **A** нинг 7-моноацетатини **44** миқдорий унум билан ҳосил бўлишига олиб келди.

C-25да учламчи гидроксил гуруҳ тутган сув молекуласини элиминирлаш учун пиридиндаги тетраацетат **39**га бензол сульфохлорид кўшилган ва 12 соатга хона ҳароратида қолдирилган.

Сўнгра реакция аралашмасидан идивидуал ҳолда ҳосила **46** ажратиб олинди ва унинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари маълумотларига кўра 3-O- β -D-ксилопиранозид-(23R,24S)-16 β ,23;16 α ,24-ди-эпоксициклоарт-25(26)-ен-3 β ,7 β -диол эканлиги аниқланди. Бирикма **46** ни қисман совунланиши миқдорий унум билан ҳосила **47** ни вужудга келтиради ва бу ҳосила 3-O- β -D-ксилопиранозид-(23R,24S)-16 β ,23;16 α ,24-диэпоксициклоарт-25(26)-ен-3 β ,7 β -диол 7 – моноацетати тузилишига эга.




13 расм. Циклоорбикозид А асосидаги синтезлар

Моноацетат **47** нинг кейинги ишқорий гидролизи бирикма **48** нинг ҳосил бўлишига олиб келди. Бу ҳосиланинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари ацетил гуруҳлари йўқлигини, ҳамда уни 3-О-β-D-ксилопиранозид-(23R,24S)-16β,23;16α,24-диз-поксициклоарт-25(26)-ен-3β,7β-диол эканини кўрсатди.

2.3 Циклоалпиозид D ва циклоалпигенин D асосидаги синтезлар

Гениннинг С-3 атомида турли миқдорда β-D-ксилопиранозанинг ацетилланган қолдиғини тутувчи циклоартан гликозидлари бир қатор биологик фаолликларга эга. Шу муносабат билан бошланғич модда сифатида *Astragalus alopecurus* ўсимлигининг асосий гликозиди бўлган циклоалпиозид D (**49**) асосида қуйидаги трансформация ўтказилди: тадқиқотнинг биринчи босқичида циклоалпиозид D ни пиридиндаги сирка ангидриди билан 1.5 соат давомида 13°C ҳароратда ацетилланди. Натижада 4 та ҳосила (**50-53**) лар олинди.


^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари натижалари ҳосила **50** ни циклоалпиозид D 2',3',4',7-тетраацетати, ҳосила **51** ни эса циклоалпиозид D 2',3',4'-триацетати, ҳосила **52** ни циклоалпиозид D 3',4'-диацетати, ҳосила **53** ни эса циклоалпиозид D 3'-моноацетати эканини кўрсатди.



14 расм. Циклоалпиозид D нинг ацетиллаши


Кейинги трансформациялар учун асосий ҳосила бўлган пентаацетат **55** ни кўп миқдорда олиш учун 16°C да 16 сутка давомида реакция олиб борилди. Натижада ҳосила **50** ва **54** лар билан биргаликда кўшимча равишда етарли миқдорда пентаацетат **55** олишга эришилди.

Ажратиб олинган моддаларнинг таркиби ЯМР спектроскопияси билан ҳам тасдиқланган: ҳосила **54** циклоалпиозид D нинг перацетати ва ҳосила **55** эса циклоалпиозид D нинг 2',3',4',7,16-пентаацетати эканини кўрсатди.



15 расм. Циклоалпиозид D пентаацетати олиниши


Циклоалпиозид D кимёвий трансформациясининг бошқа йўналиши бу – циклоалпиозид D лактонини олишдир. Циклосиверсиозид F дан аналогик лактон олиш – бошланғич модданинг кардиотоник фаоллигини сезиларли даражада кучайтирган эди. Ён занжирда лактон ҳосил қилиш учун пентаацетат **55** Джонс



16 расм. Циклоалпиозид D лактони олиниши

реактиви билан оксидланди ва **56** лактон пентаацетати олинди. Ҳосила **56** нинг ишқорий гидролизи (кейинги кислоталаш билан) мақсаддаги ҳосила **57** нинг ҳосил бўлишига олиб келди. Икки бирикма (**56**, **57**) нинг тузилиши ИҚ- ва ЯМР спектроскопияси маълумотларига таянган ҳолда исботланган. Олинган маълумотлар лактон **57** ни 3-O-β-D-ксилопиранозид-20R-25-норциклоартан-3β,7β,16β-триол-20,24-олид эканини белгилайди.

Тадқиқотларнинг кейинги йўналиши, циклоартан тритерпиноидларининг структуравий фрагменти бўлган циклопропанли циклни трансформацияга жалб этилиши билан фарқ қилади. Тадқиқот предмети сифатида циклоалпиозид D нинг генини бўлган циклоалпигенин D (**58**) дан фойдаланилди. Циклоалпигенин D ни пиридиндаги бензолсульфоҳлорид билан ўзаро таъсири ди-тўйинмаган тритерпеноид **59** ни ҳосил бўлишига олиб келди. ¹H ЯМР спектри маълумотларига кўра,



17 расм. Циклоалпигенин Dдан abeo-ланостадиени олиши

C-10-C-19 боғлари очилиб, 20R,24S-эпокси-19(10→9)-abeo-ланоста-1(10),7-диен-3β,16β,25-триол тузилишга эга abeo-ланостадиен **59** ҳосил бўлган.

3.4. Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги тўғрисида.

Иккита синтез қилинган (44 ва 47) бирикмаларнинг фармакологик фаоллиги ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти фармакология лабораториясида (А.В. Царук, З.А. Хушбақтова, В.Н. Сыров томонидан) ўрганилди. Табиий, синтетикциклоартантритерпеноидлар ва гликозидлар потенциалкардиопротектор воситалари сифатида баҳоланди ва сараланди.

Синтетик гликозидлар 44 ва 47 лар бошланғич гликозид – циклоорбикозид А (38) га нисбатан фаолроқ, метаболитик типдаги таъсирга эга кардиопротектор – циклосиверсиозид F билан бир хил таъсирга эга эканлиги аниқланди.

38, 44, 46-51, 57, 59-бирикмаларнинг цитотоксик фаоллиги ЎМКИ гликозидлар кимёси лабораторияси катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди Н.З. Мамадалиева томонидан турли хил саратон хужайраларига нисбатан *in vitro* шароитда Тоскания Университети (Италия) да ўрганилган. Дастлабки *in vitro* тадқиқотлари 47, 48 ва 59 бирикмалар P3X ва HeLa хужайраларига ўртача цитотоксик фаолликни кўрсатган.

38, 44, 46, 50, 51, 57-бирикмалар цитотоксик фаоллик намоён қилмаган. Бу эса моддаларни тузилишга боғлиқ тарзда фаоллик намоён қилишини тасдиқлади.

«Циклоартанларни таҳлил қилиш усуллари ва тавсифи» деб номланган тўртинчи бобда асбоб-ускуналар, реактив ва материаллар, циклоартанларни ажратиш олиш, ажратиш, тузилиш таҳлили ва кимёвий трансформация усуллари баён этилган. Сўнгра хулосалар, қўлланилган адабиётлар ва илова ўрин олган.

ХУЛОСАЛАР

1. *Astragalus macropus* ўсимлигининг таркиби ўрганилди. Ушбу ўсимликдан 10 та бирикма ажратиш олиниб, улардан 7 таси янги тузилишга эга эканлиги исботланди; *Astragalus taschkendikus* дан иккита янги гликозид ажратиш олинди ва тузилишлари аниқланди.

2. Циклосиверсигенин циклоадсургенин ва циклоасалгенин билан кимёвий корреляцияси амалга оширилди. Циклосиверсигенин лактоннинг қисман синтези қилинди.

3. *Astragalus orbiculatus* нинг асосий гликозиди бўлган циклоорбикозид А, *Astragalus alopecurus* нинг устувор гликозиди циклоорбикозид D – ва унинг генини – циклоалпигенин D – асосида синтезлар амалга оширилди. Циклоорбикозид А дан 10 та бирикма синтез қилинди, улардан 9 таси илк бора тавсифланди. Циклоалпиозид D лар ва унинг генинидан 9 та янги бирикма синтез қилинди.

4. 9,19-уч аъзоли циклнинг очилишига янги ёндашув ишлаб чиқилди, бу эса 19(10→9)-abeo-ланостаннинг углеродли скелетга эга бўлган тритерпеноидларини олиш имконини беради.

5. Фармокологик тадқиқотларга кўра, циклоорбикозид А (44) нинг 7-моноацетати ва унинг 25,26-дегидрати 47 маълум кардиопротектор - циклосиверсиозид F билан бир хил кардиопротектив таъсирга эга. Бу моддаларни синтез қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди. Дастлабки *in vitro* тадқиқотлари циклоорбикозид А (47)нинг 25,26-дегидрати 7-моноацетати, циклоорбикозид А (48) нинг 25,26-дегидрати ва 19(10→9)-abeo-ланостадеин 59 ни P3X ва HeLa саратон хужайраларига нисбатан сезиларли даражада цитотоксикликка эга эканини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ИСАЕВ ИСА МАГОМЕД ОГЛЫ

**НОВЫЕ СТРУКТУРЫ И ХИМИЧЕСКАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ
ЦИКЛОАРТАНОВ РАСТЕНИЙ РОДА ASTRAGALUS**

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.4.PhD/К80

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biohsem.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

| | |
|------------------------------|--|
| Научный руководитель | Агзамова Манзура Адхамовна кандидат химических наук, старший научный сотрудник |
| Официальные оппоненты | Салимов Баходир Тахирович доктор химических наук Бабаев Бахром Нуриллаевич доктор химических наук |
| Ведущая организация | Ташкентский фармацевтический институт |

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 при Институте биоорганической химии, Национальном университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел. 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер № _____). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки _____ от «___» _____ 2019 года).

Ш.И. Салихов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Ш.А. Шомуротов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н., старший научный сотрудник

М.Б. Гафуров

Председатель Научного семинара при Научном Совете по присуждению ученых степеней, д.х.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе в наши дни проводятся исследования, направленные на поиск и внедрение в практику лекарственных препаратов на основе растительных метаболитов. Вместе с тем, поиск источников для создания лекарственных средств не ограничивается одним лишь получением новых природных соединений, но ставит также задачу разработки методов модификации последних с целью усиления полезных свойств. В этой связи немалый интерес вызывают циклоартановые тритерпеноиды ввиду весьма широкого спектра биологической активности отдельных представителей этого класса.

Исследованию циклоартановых тритерпеноидов в настоящее время в мире уделяется большое внимание, в результате чего описано свыше тысячи структур природных циклоартановых тритерпеноидов и гликозидов, у соединений этого класса выявлено гипотензивное, диуретическое, кардиотоническое, гиполипидемическое, противоопухолевое, противовирусное, антибактериальное, противовоспалительное, иммунорегулирующее, нейро-, гепато- и гастротекторное действие. Проведены работы, направленные на получение в результате химической трансформации и биотрансформации продуктов с выраженным терапевтическим действием. Крайне низкая токсичность и отсутствие кумулятивных свойств определяют большую терапевтическую широту циклоартановых гликозидов. Все это сулит широкий спектр возможного применения циклоартанов и их синтетических производных.

Источниками циклоартановых тритерпеноидов во флоре Узбекистана являются растения рода *Astragalus*, исследование химического состава и фармакологических свойств которых, открывает возможность создания лекарственных средств на основе местного сырья, что приобретает важное научно-практическое значение в рамках четвертого приоритетного направления Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «Развитие фармацевтической промышленности, а также обеспечение населения и медицинских учреждений дешевыми высококачественными лекарствами и медицинскими изделиями»¹. Создание новых методологических подходов к синтезу предполагаемого соединения на основе циклоартанов сопряжено с необходимостью исследовать и создавать фундаментальные основы химической трансформации этих соединений. Напряженный трехчленный цикл, имеющийся в молекулах циклоартанов, требует особого подхода с тем, чтобы сохранить этот цикл и использовать его химические свойства в синтетических целях. В свете сказанного становится очевидной научно-теоретическая и практическая значимость исследований в области химии циклоартанов, а тонкий органический синтез на основе доступных циклоартановых метилстероидов и гликозидов представляется актуальным вопросом химии природных соединений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует решению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 ноября 2017 года УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» и в Указе Президента Республики Узбекистан от 07 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий

